

**Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳузуридаги
Республика методик кенгаши йиғилишининг
19- сон БАЁНИ (КЎЧИРМА)**

2014 йил 20 февраль

Тошкент шаҳри

Кун тартибидаги масалалар бўйича берилган маълумотлар, билдирилган фикр-мулоҳазалар муҳокамаси асосида Республика методик кенгаши **қарор қилади:**

1. Республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш мажлисининг 2015 йил 4 февралдаги 9-сон баёни қарори ижроси тўғрисида

1. Республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш мажлисининг 2015 йил 4 февралдаги 9-сон баёни қарори ижроси бўйича Миллий кутубхона директори, Кенгаш раиси А.Ходжаевнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Миллий кутубхона (Ишматов):

бир hafta муддатда Республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш мажлисининг 2015 йил 4 февралдаги 9-сон баёни қарори ижросини таъминлаш юзасидан тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилсин;

Баён қарори талабларидан келиб чиқиб, тегишли вазирлик ва идораларга юклатилган вазифаларни ўз вақтида сифатли бажарилишини мониторингини юритилиши таъминлансин;

хар чорак якуни бўйича Республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш мажлисининг 2015 йил 4 февралдаги 9-сон баёни қарори ижросини тегишли вазирлик ва идоралар томонидан амалга оширилиши юзасидан маълумотлар умумлаштирилсин ва Идоралараро кенгашга ҳисоботларни тайёрлаб борилиши таъминлансин;

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги билан бирга, ахборот-кутубхона муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилсин;

икки hafta муддатда Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги билан бирга, “Миллий умумтаълим электрон кутубхона” лойиҳасини амалга ошириш юзасидан ахборот технологиялари ва ахборот-кутубхона иши бўйича етакчи

мутахассисларни жалб қилган ҳолда Ишчи гуруҳни ташкил қилиниши инобатга олинсин;

икки ой муддатда Молия вазирлиги билан биргаликда бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштиришни кўзда тутган ҳолда, Миллий кутубхона тузулмаси таркибида иккита марказ тузиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини ишлаб чиқилиши ва ўрнатилган тартибда киритилиши юзасидан ишлар олиб борилсин;

бир ой муддатда тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда намунавий ҳудудий ахборот-кутубхона муассасаларини техник жиҳозлаш, электрон ресурслар, дастурий таъминот ва замонавий махсус мосламалар (планшет, ноутбук, нетбук ва бошқ.) билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ишлари мувофиқлаштирилсин;

3. Миллий кутубхона (Ишматов), Интеллектуал мулк агентлиги билан бирга электрон кутубхона ва электрон ресурслар тизимини такомиллаштириш мақсадида “Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонунига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқилиши бўйича Идоралараро кенгашга таклифлар тайёрлансин;

4. Миллий кутубхона (Ишматов, Раҳманов) **бир ой муддатда** “Ахборот-кутубхона муассасасининг энг яхши мутахассиси” касбий танловининг республика босқичи ғолиблигини кўлга киритган Наманган вилояти ахборот-кутубхона муассасалари мутахассисларидан ташкил топган жамоанинг қуйидаги беш ходимини: Наманган вилояти АКМ етакчи мутахассиси А.Урманов, Наманган муҳандислик-педагогика институти АРМ 1-тоифали библиографи М.Қаюмова, Мингбулоқ Ўзгариш маиший хизмат коллежи АРМ мутахассиси Н.Эшназаров, Наманган вилояти ХТБнинг АРМ будим мудир Д.Султонов ва Наманган вилояти кўзи ожизлар кутубхонасининг мутахассиси М.Нарзуллаевларни тақдирлаш учун Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан 5 (бешта) ноутбук совға тариқасида ажратилиши белгилаб қўйилсин;

тегишли вазирлик ва идораларга Ахборот-кутубхона муассасаларини ривожлантириш Жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланишни таъминлаш мақсадида долзарб устувор лойиҳаларни шакллантиришга алоҳида эътибор берилсин;

5. Республика методик кенгаши аъзоларига:

хар чоракда Идоралараро кенгаш мажлисининг 2015 йил 4 февралдаги 9-сон баёни қарорига асосан ҳудудий ахборот-кутубхона муассасаларида белгиланган топшириқларни бажарилиши бўйича ҳисоботларни эшитиб борилиши ва умумлаштирилган маълумотномани Идоралараро кенгашга киритилиши инобатга олинсин;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 февраль ПҚ-1487-сон қарорига асосан белгиланган вазифалар ижросини тўлиқ

таъминланиши ва Идоралараро кенгашнинг 2015 йилнинг биринчи ярим йиллигига белгиланган тадбирларни тизимли бажарилиши ҳамда **ҳар чорак яқунлари** бўйича тадбирларни амалга оширилиши юзасидан ҳисоботларни киритиб бориш таъминлансин;

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Жисмоний имкониятлари чекланган фойдаланувчиларга ахборот-кутубхона хизматини кўрсатишни ошириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор лойиҳаси ҳақида

6. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Г.Бердимбетованинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Жисмоний имкониятлари чекланган фойдаланувчиларга ахборот-кутубхона хизматини кўрсатишни ошириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор лойиҳаси ҳақидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги (Бердимбетова) **икки ой муддатда** Идоралараро кенгаш мажлисининг 2015 йил 4 февралдаги 9-сон баёни қарорига асосан Республика кўзи ожизлар марказий кутубхонасининг Республика ҳудудларидаги мавжуд ахборот-кутубхона муассасалари ва уларнинг филиаллари ҳолати, жисмоний имкониятлари чекланган фойдаланувчилар учун ахборот-кутубхона хизматини такомиллаштириш бўйича Идоралараро кенгашга маълумот ва аниқ таклифлар киритиш белгиланганлиги инобатга олинсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги (Бердимбетова), Миллий кутубхона (Ишматов), тегишли вазирлик ва идоралар билан бирга:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Жисмоний имкониятлари чекланган фойдаланувчиларга ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни ошириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича Ишчи гуруҳни ташкил этиш бўйича таклиф киритилсин;

бир ҳафта муддатда қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича Ишчи гуруҳ таркибига мутахассисларни жалб қилиш мақсадида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш, Олий ва ўрта махсус таълими, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликларига ҳамда Фанлар академиясига хат лойиҳаси тайёрлансин;

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Жисмоний имкониятлари чекланган фойдаланувчиларга ахборот-кутубхона хизматини кўрсатишни ошириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори лойиҳаси ҳамда Дастурни қайта ишлаб чиқиш натижалари асосида аниқ таклифлар киритилсин;

Ишчи гуруҳ таркибида қайта ишлаб чиқилган қарор лойиҳаси Республика методик кенгашининг навбатдаги йиғилишида муҳокамадан ўтказилиши белгилаб қўйилсин.

3. “Central Asia 2015. Фан, таълим, маданият ва бизнесда интернет ва кутубхона-ахборот ресурслари ўрни” мавзусидаги 9-Халқаро конференциясини ўтказиш тайёргарлик кўриш тўғрисида

9. Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори ўринбосари А.Ишматовнинг “Central Asia 2015. Фан, таълим, маданият ва бизнесда интернет ва кутубхона-ахборот ресурслари ўрни” мавзусидаги 9-Халқаро конференциясини ўтказиш тайёргарлик кўриш тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

10. Миллий кутубхона (Ишматов), Кенгаш аъзоларига:

Идораларо кенгаш мажлисининг 2015 йил 4 февралдаги 9-сон баёни қарорига асосан 2014 йилнинг 23-25 апрель кунлари “Central Asia. Фан, таълим, маданият ва бизнесда интернет ва кутубхона-ахборот ресурсларининг ўрни” мавзусида ўтказилган 8-чи Халқаро конференцияси бўйича ҳисоботи маълумот учун қабул қилинганлиги ва ушбу тадбирни ахборот-кутубхона соҳасидаги ўрни ва нуфузини янада ошириш бўйича қўшимча чоралар амалга оширилиши топшириғи белгиланганлиги инобатга олинсин;

Молия вазирлиги билан бирга, 2015 йил смета ҳаражатларида ахборот-кутубхона муассасалари мутахассисларини ривожланган хорижий давлатлар кутубхоналарига тажриба алмашиш ва халқаро муносабатларни йўлга қўйиш, замонавий ахборот-кутубхона технологиялари билан танишиш, малака ошириш ҳамда соҳавий тренинг машғулотида иштирок этишга, “Ахборот-кутубхона муассасасининг энг яхши мутахассиси” касбий танлови ташкил этилиши ва ғолибларни тақдирлаш, ҳар йили “Central Asia. Фан, таълим, маданият ва бизнесда интернет ва кутубхона-ахборот ресурсларининг ўрни” Халқаро конференцияси доирасидаги ҳаражатлар (бадал тўлови, хизмат сафари ҳаражатлари ва бошқ.)учун маблағларни мақсадли ажратилиши кўзда тутилсин;

11. Миллий кутубхона (Ишматов), Ташкилий қўмита аъзоларига:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 11 февралдаги 56-ф фармойиши асосида “Central Asia. Фан, таълим, маданият ва бизнесда интернет ва кутубхона-ахборот ресурсларининг ўрни” мавзусида ўтказилган 9-чи Халқаро конференциясини ўтказишга тайёргарлик кўриш бўйича ишлар жадаллаштирилсин;

тегишли вазирлик ва идораларга ташкилий хатларни юборилиши ҳамда хорижий мутахассисларни ўрнатилган тартибда тадбирга таклиф этиш бўйича ишлар муофיקлаштирилсин;

бир ой муддатда 2015 йилда “Миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги”ни республика миқёсида ташкил қилишга тайёргарлик кўриш бўйича чоратадбирлар режаси ишлаб чиқилсин.

Бошқа масалалар

12. Миллий кутубхона директори ўринбосари А. Ишматовнинг “Верго” маркази томонидан ишлаб чиқилган “Ахборот-кутубхона муассасаларини

автоматлаштириш Концепцияси” лойиҳаси бўйича ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

13. Миллий кутубхона (Ишматов) “Ахборот-кутубхона муассасаларини автоматлаштириш Концепцияси” лойиҳаси тегишли экспертизадан ўтказилсин ва умумий ҳужжат сифатида Республика методик кенгашининг навбатдаги йиғилиши муҳокамасига киритилсин.

Кенгаш масъул котиби

Қ. Турсунов